

Эстонияда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси

ДИЛРАБО КУЙЛАР

Эстония композиторлари декадасининг биринчи кунинда бош-лаб ўзбек ҳамкасбларининг ўз асарларини тинглашга таклиф қилинди. Улар меҳмонларни ўзлари яратган янги асарлар билан таништирдилар, шу асарлар ҳақида ўз фикр-мулоҳаза-ларини билдиришга илтимос қилдилар. СССР халқ артисти Эуген Капп яқинда ёнб тамом-лаган «Баҳор тароналари» аса-рини меҳмонларга тақдим этди. Лидия Аустер концерт про-граммасига «Тина» балетидан парчалар киритди. Композитор-лар союзининг секретари Ян Ниха айтдики, агар мен ўз сим-фониямни Ўзбекистон вакила-рига манзур қила олсам тоғат мамнун бўлар эдим.

Меҳмонлар ва меҳмонлар йиғини соҳибининг шинам зали-да санъаткорнинг юксак бурни тўғрисида, қардош совет халқ-

лари маданиятларининг янада раванок топириш йўллари ҳақи-да кўпроқ суҳбатлашдилар.

Эстония композиторларининг асарлари бир неча кун давоми-да янграб турди. Ниҳоят, Ўзбе-кистон кўшенининг жўшқин ҳа-роати ўз ифодасини топган куй ва кўшиқлар зал узра жаранг-лаб эшитилди. Ўзбек компози-торларининг эстониялик дўст-ларга туҳфа қилган асарларини Ўзбекистон ССР халқ артисти Насим Хошимов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Асад Азимов, Баҳром Мавло-нов, Ойинис ва Рафот Кучли-ковалар ижро этдилар.

Ўзбекистон композиторлари-нинг асарларини эстониялик меҳнаткашларнинг минглаб ва-киллари тингладилар. СССР халқ артисти Халима Носиро-ва, республика халқ артисти Халима Комалова, Самарқанд опера театрининг солисти Ази-

за Тулаганова ва концерт бри-гадаларининг ўйлаб бошқа аз-золари дўстлар ҳузурида ўз маҳоратларини намойиш қил-дилар.

«Киндель теа» колхозда қишлоқ хўжалик артелининг раиси Мартин Линнас ўзбек музикаси тўғрисида савб билан гапирди.

Сизларнинг кувюк, дилрабо куйларингиз, — деди у, — бизга Ўзбекистонни, унинг кишилари-ни янада яхшироқ билишга ёр-дам беради. Биз бу куйларни тинглаб эканмиз, зулмат ва жа-ҳолдан халос бўлган ва энди-ликда куч-гайрати қайнаб-то-шиб, ишонч билан олға бораёт-ган халқ кўз олдимизда намоён бўлади.

Г. Липшиц,
Ўзбекистон телеграф агент-лиги мухбири.
Таллин.



Қардош Эстонияда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси зўр муваффақият билан ўтмонда. Суратда: Ўз-бекистон ССРда хизмат кўрсатган давлат «Баҳор» раис ансамбли қизлари эстонча раис мисро этишмонда. О. Виханди фотоси. (ЭТА фотохроникаси).

ТАНИШИНГ, БАЛУЕВ...

ФЕЛЬЕТОН

Худди шу ном билан ата-ла-ган кинофильми кўриб, Балу-ев образини ҳаммаимиз ҳам ях-ши кўриб қолган эдик. Ишчан, меҳнатсевар, камтар Балуевни, ўз манфаатидан халқ, давлат манфаатини юқори қўядиган софдил Балуевни яхши кўриб қолган эдик. Аммо, Николай Николаевич Балуевни, яъни Ўзбекистоннинг Тошкентимизда яшаб турган Балуевнинг қил-мишларини кўриб, гапнинг охи-ри, ҳайратдан ёқа ушладик.

Марҳамат, Балуев билан та-нишинг.

Николай Николаевич Ўзбе-кистон Жамоат тартибни сақ-лаш министрлигига қарашли марказий оморбора бир амаллаб мудир бўлиб олади, ҳа, ҳа бир амаллаб! Негаки, бундан аввал ҳам, беш-олти йилда ишлаб ку-нар кўрсатиб кетган эди-да, ҳу-нар кўрсатиб кетганлар бошқа ишга албатта бир амаллаб жо-йлашади. Сўнгги ўринга жо-йлашаётган:

— Агар ишни қўйиллатиб қайтмасам одам эмасми! Деб кўп қасам тўғриси қилган бўлса ҳам ишда эмас. Хўш, ана шу Балуев каттагон омор-бора мудир бўлиб олади-да, қафсларини бир-биринга ишқа-б, шоқоладни кўрган боладек тамашлади:

— Мана энди маъза қилди-ган бўлди! — деб кўйди ва те-здан милиционерларимизга берилган лавсан қўйлақлар-дан пуллаб, ароқ ичиб қай-сафо қилишни ҳам бошлаб жо-ради. Шундан сўнг уни ҳе-ч тўхтатиб бўлмади, ҳой ўзининг бос, деганларига ҳам қарамай, сал кун ичида 640 сўмлик қўй-лақни пуллаб:

— Милиционерларимиз э-кинсини ювиб кийиш ҳам бў-лаверди, — деб кўйди. Омор-дан юлиб-юлиқини меърига ет-магач, областларга жўнатила-ётган даста-даста лавсан қўй-лақларнинг орасидан биттадан, ик-китадан тортиб қоллишни аста-секин маъиз қила бошлади. Ал-батта, бунақадги эриққўллик билан маъсул ташкилотнинг оморбора узок давр даврон су-риш мумкин эмас эди. Балуев қўлга тушиб қолди. Ана шун-дан сўнг қаҳрамонимизнинг кимлиги, аввал қанақа ишлар билан машғул бўлиб келганли-ги ойинадек равшан бўлиб қол-ди. Қанақа ишлар дейсизми?

Марҳамат, танишинг: 1962 йилдан буюв бу киши қаллоб-лик билан шугулланиб келар-экан. Шаҳар ижрония комите-ти номидан қўрилмаган квар-тираларга, эсимлаган ордер-ларни навбатда турмаган одамларга ўзича пуллаб келар-кан. Ўзича квартираларга неча хонадонликка қайси қаватда жо-йлашганига, атрофда жо-йла-салқин дарахтлари бор-йўқли-гига қараб баҳо ҳам белгилар-кан.

— Хўш, бир хонадонг неча сўм туради? — деб сўрар экан навбатда турмаган кишилар.

— Юз манот, азизим. — деб кўйар экан бизнинг қаҳрамони-миз.

— Хўш, азизим, икки хона-донг неча пул сўрайдилар?

— Икки юз сўм, азизим. — Бордию ўз ёки тўрт хо-надонликдан олмоқчи бўлсанг-чи?

— Мингдан камига бўлмай-ди. Менга ҳам қийин, азизлар! — дер экан Балуев. Биринчи бўлиб унинг тузюгига Р. Зубан-ков яқинда. Тўрт юз сўмни нақд санаб бериб:

— Тезлаштиришинг иложи борми? — деб сўрайди.

— Бор, янаги ҳафтанинг охи-рида ордер қўнатишга бўла-

ди, азизим! — ишонч билан дейди қаҳрамонимиз ва пулни секингина чап чўнтакка солиб қўйди. Қушнарев берган тўрт юз қирқ сўмни ўнг чўнтагига сола туриб:

— Хўш, азизим, сизга неча хонадонлик берам экан? — деб сўрайди.

— Иложи бўлса, тўрт хона-донликдан тўрилайверсангиз, ка-мига яна қардоримиз, — таъ-зим бажо келтириб дейди Куш-нарев.

— Гап битта! Келар чоршан-бара уй тўйи ўтказиш учун тай-ёргарлик кўраверинг!

Шундан кейин уй тўйига тай-ёргарлик кўраётганлар ҳам ан-ча кўпайиб қолдики, хи-соб-қитоба жуда уста бўлган Балуевнинг ўзи ҳам тез-тез алаҳадиган бўлиб қолди. Қу-рилмаган уйларнинг эсимлаган ордерига ишчибозлар ортаёт-ганини сезган қаҳрамонимиз эн-ди сал юқоридан келиб, муома-ла қилганидан оқат чиқарди. Б. Илйин 600 сўм берган эди-кан. Чувчарани хом санабсиз, азизим! — деб жеркиб берди уни Балуев.

— Нега энди хом санаб эманмиз?

— Хеч бўлмаса саккиз юз сўм қийиб беринг. Иўқ десан-гиз бу ишга аралаша олмай-ман.

— Ҳа, майли, етти юз бера-ман, — деган гапларни қилди Илйин.

— Гап битта! — деб жавоб қайтарди Балуев. Чиндан ҳам гап битта бўлди. Илйин унга саккиз юз сўм нақд санаб бер-ди. «Оладиган квартирам сен-гидан ёмон бўладиган бўлса, отимни бошқа қўяман» деб онг ичган бўлса керак Р. Мирон-ва савдолашиб ўтирмай саккиз юз сўм қўйди-да:

— Иккинчи қаватдан бўла-син, азизим, — деб шивирла-ди қўлогига.

— Худди сиз айтгандек бў-лади, жонгинам! — ўша оҳан-да деди Балуев.

Ушбу рўйхатни, ўз ихтиёри билан биз таърифингиз ҳеч ў-шатоғимизга ана шу товлама-чи Балуевга пул келтириб бе-риб, бу пулга ўтдек қўйиб қол-ган эркак, аёллар рўйхатини яна ҳам қўйиб, беш-олти ва-рақни бемалол қоралаб ташлаш мумкин эди. Лекин гап улар-нинг кўп ёки озлигига эмас-да. Гап бошқа томонда. Хўш, Ба-луев ким эди ушбу? Хеч жойда ишламай юрган машҳур товла-мачи эди, холос. Буни ланада енг учиди пул узатган Р. Но-майлова ҳам. З. Шоахмедов ҳам, Е. Симонова ҳам жуда ях-ши билишар эди. Билдирса ҳам, таъна бўлсуну, сўти бўлсин, бир амаллаб навбатсиз, қонун-дан ташқари квартира олсан бўлди-да, бошқаси билан нима ишмиз бор дейишган. Шундай эмасми? Товламачига қўшилиб, ўзлари ҳам товламачинамо иш тутишган, шундай эмасми?

Балуев ўз қилмишига яра-ша жазосини олади. — Бу аниқ, хўш, унга пора берган-лар-чи, ахир пора беришнинг ўзи ҳам катта жиялот-ку! Ахлоқин, одамгарчиликни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, нав-батда турганлардан олдинроқ квартира олиш умидида товла-мачини силаб-сийпалаган, «ази-зим, жонгинам» деб унинг ор-тидан югуриб-егиб юрганлар-чи. Нега энди улар жазодан четда қолар экан?

Биз товламачи Балуевнинг иши билан танишганимизда ана шуларни ўйлаб кетдик ва шу фельетонни ёзишга жазм қилдик.

Н. ШОҒУЛОМОВ.

МАНЕТАМИЗДА

КПСС ВА ИТАЛИЯ КОМПА-РТИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ-НИНГ УЧРАШУВИ

РИМ, 28 июнь. (ТАСС). КПСС Мар-казий Комитети Сийёси бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. П. Ки-риленко бошчилигида бу ерга келган КПСС делегацияси билан Италия Ком-партияси Бош секретари Луидже Лонго бошчилигидаги Италия Компартияси де-легацияси ўртасида учрашув давом эт-тирилди.

Учрашув самимий, дўстона вазиятда ўтди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР

БЕРЛИН, 28 июнь. (ТАСС). Гер-мания Демократик Республикаси жамоатчилиги СССР Олий Со-ветининг тўртинчи сессияси иш-ини зўр эътибор билан кузатиб бор-ди.

Совет мамлакатига соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш масалалари, никоҳ ва она тў-ғрисидаги янги қонунлар лойиҳаси Олий Советда муҳокама қилин-ганлигини маъбуот кенг ёритди. «Нойс» Дойчленд, «Берлинер Цайтунг» ва бошқа газеталар сес-сия совет халқининг соғлиқни сақлашни янада яхшилаш юза-сини муҳим чоралар белгилан-ганини таъкидлаб ўтди.

«Халқро ахвол ва Совет Ити-фокнинг ташқи сийёсати тўғриси-да» сессияда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикин қил-ган докладыда бу ерда катта эъ-тибор бермоқдалар. АДН агент-лиги шу докладынинг муфассал баънини немис тилида тарқатди. А. А. Громико доклады, шунинг-дек радио ва телевизион эши-тирилларнинг диққат марказида турибди.

БЕРЛАД, 28 июнь. (ТАСС). ТАНОҒ агентлиги халқро ахвол та-ҳисоти тўғрисида А. А. Громико докладынинг баънини Югославия газета редакцияларига, радио ва телевидениега тарқатдилар. Совет

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОСМОНИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, 28 июнь. (ТАСС). Вьетнам Халқ армияси Олий қўмондонлигининг қўшимча маълумотларига кўра, 25 ва 26 июнда Хатинь вилоти устида Америка-нинг 2 самолёти уриб туширилган, 27 июнда Вьетнам авиацияси Хабаб вилот-и устида Американинг яна бир развед-качи самолётини уриб туширган.

Шундай қилиб, Вьетнам Демократик Республикаси осмонида уриб туширил-ган Америка самолётларининг жами 3003 тага етди.

қукумати, деб таъкидлайди ТА-НОҒ, ядро қуролига эга бўлган қарб давлатларини бир стол ат-рофида тулпаниб музокара-лаш бошлашга ва ядро қуролини иш-латишни таъқиловчи халқро би-тим тузиш масаласини қараб чи-қишга чакирди. Ахборотда док-ладыда Германия чегаралари тўғрисидаги масала иккинчи жа-ҳон урушдан кейин ўзил-кесил халқ этилан, ва Европадаги соци-алистик мамлакатлар чегарасини, шу жумладан ГДР билан ГФР ўр-тасидаги чегарани Варшава шарт-номаси ташкилотини ўзининг бутун куч-қудрати билан қўриқлайди, деган сўзлар келтирилди.

Шу муносабат билан бу ерда Осиё ва Африка халқлари Бирдамлиги Ташкилотини доимий секретариатининг баёноти эъ-лон қилинди. Баёнотда Аме-рика империализмининг Корея-даги йтворадиги кескин қорана-дади ва корей халқининг аттессорни Жаңубий Кореядан ҳайдаб юбориш. Пак Чжон Хи кўйгирчоқ тўдасини ағдариб таш-лаш ҳамда Ватанин бирлашти-риш йўлидаги адолатли кураши тўла равишда қўллаб-қувватла-нади.

Доимий секретариат барча миллий ташкилотларни ва жа-ҳоннинг бутун эрксевар халқ-ларини корей халқи билан бирдамлик назор қилишга ча-қирди.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

КЕНИЯДА СОВЕТ ГОСПИТАЛИ

● НАИРОБИ. Кисумуда за-монавий медицина асбоб-уску-налари билан жиҳозланган по-ликлиникаси бўлган 200 кой-ка-ли госпиталини Совет Итти-фоқи Кенияга совға қилиб бер-ди. Ҳозирги вақтда бу госпи-тал фойдаланишга топшириш учун тайёр қилиб қўйилди, де-ди Кения соғлиқни сақлаш ми-нистри Жозеф Оттенде.

Министр беморларни эски госпиталдан янги госпиталга 2 июлда кўчирилади, деб айтди.

СУРИЯДА ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ

● ДАМАШҚ. Совет Итти-фоқининг техникавий ёрдами билан барпо этилган Тартус-Ахкар темир йўли фойдала-нишга топширилади. Унинг узун-лиги 43 километр.

Магистрал янги деңгиз пор-ти Тартусни мамлакатнинг те-мир йўл системаси билан бо-ғашга ва яқин вақт ичида ю-ларини портдан Фрог тўғони қу-риллишига олиб келишни таш-кил этишга имкон беради.

КОРЕЯ ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК ОЙЛИГИ

● ҚОҲИРА. Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқлари, шунинг-дек бутун эрксевар инсо-ният 25 июндан 27 июлгача корей халқининг Америка кў-шилларини Жаңубий Кореядан олиб кетиш йўлидаги кураши билан бирдамлик ойлигини ўт-каздилар.

Шу муносабат билан бу ерда Осиё ва Африка халқлари Бирдамлиги Ташкилотини доимий секретариатининг баёноти эъ-лон қилинди. Баёнотда Аме-рика империализмининг Корея-даги йтворадиги кескин қорана-дади ва корей халқининг аттессорни Жаңубий Кореядан ҳайдаб юбориш. Пак Чжон Хи кўйгирчоқ тўдасини ағдариб таш-лаш ҳамда Ватанин бирлашти-риш йўлидаги адолатли кураши тўла равишда қўллаб-қувватла-нади.

Доимий секретариат барча миллий ташкилотларни ва жа-ҳоннинг бутун эрксевар халқ-ларини корей халқи билан бирдамлик назор қилишга ча-қирди.

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи Тошкент облас-ти ва Фарғона водийсида ҳаво-нинг ўзгариб туриши, акрим жой-ларда вақти-вақти билан қисқа муддатли ёмғир ёғиши ва мома-қалдиқроқ бўлиши кутилди. Ғарб томондан 3-7 метр тезликда ша-мол эсади. Момақалдиқроқ бў-лганда шамол тезлини секунгига 12-17 метрга етди. Республика-нинг қолган жойларида ёмғир-чилик бўлмайди. 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб тура-ди. Ёмғирчилик бўлмайди. 34-36 градус иссиқ бўлади.

РЕДАКТОР М. ҚОРИЕВ.

РАДИО БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Классик куйлар, 9.30 — Таниш охашлар, 10.30 — Ко-нцерт (СССР санъат усталари), 11.15 — «Дуноналар» (радиомур-нал), 12.15 — Концерт (галаблар-га мувофиқ), 13.30 — Латин Аме-рикаси халқларининг куйлари, 15.10 — «Правда» газетасининг обзори, 15.20 — «Фан ва турмуш» (радиожурнал), 15.40 — Ўзбек куйлари, 16.10 — Эстрада кон-церти, 17.20 — Уйғур куйлари, 18.00 — Музикали глобус, 18.40 — Спорт, 19.20 — Қўшиқлар, 20.00 — «Дуноналар» (такрорий эши-тириш), 21.00 — «Қардош соци-алистик мамлакатларда», 21.10 — «Қишлоқ радиолари», 22.20 — Концерт, 23.10 — Куйлар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — Кўрсатишлар про-граммаси.

Ўзбек тилида: 11.00 — Шанба, нонустадан сўнг (дам олиш кон-церти), 11.40 — Биринчи меҳмон (бадий фильм), 12.55 — Кўра-тишлар программаси.

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

16.55 — Кўрсатишлар про-граммаси, 17.00 — Телеянгиллар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.10 — Қишлоқ болалар, 17.40 — Техника про-граммаси (хўжалик фильми), 18.20 — «Ешлик» про-граммаси.

Интернационал дўстлик клуби, 19.00 — Телеянгиллар, 19.10 — Цирк тамошалари, 20.00 — «Олтин водий» программаси (пахтакорлар учун).

21.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

16.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.00 — Шанба, нонустадан сўнг (такрорий эши-тириш), 21.40 — Нонитор (бадий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Душанба кўрсатади.

ТЕАТР

МУКИМИ НОМИ ТЕАТРА — 29/VI да Мавлоно Муқимий, 30/VI да Кулги кечаси, 1/VII да Бағри тош.

КИНО

КИШКИ БИНОДА

Сангам (уч серияли) — САН-АТ САРОИИ (эрталаб соат 11, ярим, кундуз 4 ва кеч 8 да).

Қўшилар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (тоқ соатлар-да), «МОСКВА» (кундуз ва кеч-ру).

Саргузашт қидирувчилар — «ЎЗ-БЕКИСТОН» (кундуз ва кеч-ру).

Истибон сунинчи — «ЧАРКА» (кундуз ва кеч-ру).

Тисим девор — «ВОСТОК» (кундуз соат 12, 4, кеч 8 ва 10 да).

Чангда қолган гул (Ўзбек тили-да) — НАВОИЙ НОМИ (эрталаб соат 11.30 минута, кундуз 2 яримда ва кеч 7 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10-40 минута бошланади)

Италияча ўрилик — НАВОИЙ НОМИ.

Ҳиндилар сунинчи — «ФЕСТИ-ВАЛЬ».

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОИДА

29, 30 июнда

ЛИРИК АШУЛА МУЗИКА ВА РАҚС КЕЧАСИ

Катнашадилар:

Тошкентининг ССР халқ артисти

Ханфиа МАВЛОНОВА,

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Қувондиг ИСҚАНДРОВ,

Соллистлар:

Рохатой МАННОНОВА, Сора ШУКУРОВА, Тўхта НАЗАРОВА,

Саида ТОЛИБОХУНОВА ва бошқалар.

Ўзбек халқ чоғу ансамбли кўр бўлади.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ар-тист Мухаббат МУСАЕВА олиб боради.

Концерт кеч соат 9 да бош-ланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ МУХАББАТ МУСАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ МУХАББАТ МУСАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ МУХАББАТ МУСАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ МУХАББАТ МУСАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ МУХАББАТ МУСАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ МУХАББАТ МУСАЕВА